

## ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА ТОПИШМОҚ СТИЛИЗАЦИЯСИ

Раъно Зариповна РАЖАБОВА

Ўзбек адабиёти кафедраси мустақил изланувчиси

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

## СТИЛИЗАЦИЯ ЗАГАДКИ В УЗБЕКСКОЙ ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Раъно Зариповна РАЖАБОВА

Соискатель

Кафедра узбекской литературы

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

## RIDDLE STYLIZATION IN UZBEK CHILDREN'S LITERATURE

Rano Zaripovna RAZHABOVA

Independent researcher of the Department of Uzbek Literature

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

UDC (ЎУК, УДК): 891.709

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):**

Ражабова Р.З. Ўзбек болалар адабиётида топишмоқ стилизацияси // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 4 (33), — Б.236-244.

<https://doi.org/10.36078/1605717338>

**Received:** August 12, 2019

**Accepted:** November 09, 2020

**Published:** November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** Мақолада фольклорнинг энг қадимий, оммавий, анъанавий паремик жанрларидан бири бўлган топишмоқнинг кейинчалик замонавий адабиётда бевосита стилизация қилиниши асосида болалар учун адабий кўринишлари яратилган, уларнинг халқ топишмоқлари билан ўхшаш ва Халқ топишмоқлари сингари адабий топишмоқлар ҳам мавзусига кўра жуда бой ва ранг-барангдир. Улар табиат ҳодисалари, ой ва фасллар, ер ва осмон жисмлари, сувликлар, тоғ-у қир-адирлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсон тана аъзолари, мева-сабзавотлар, полиз экинлари, рўзғор буюмлари ва жиҳозлари, меҳнат қуроллари, мусиқа асбоблари, замонавий техника турлари, ўқув воситалари, озиқ-овқат турлари ҳақида учрайди. Адабий топишмоқларда худди халқ топишмоқлари сингари ҳам ўтмиш буюмлари, ҳам ҳозирги пайтда фан-техника ва маданиятнинг ривожланиши натижасида ҳаётимизга кириб келган. Адабий топишмоқлар, асосан, шеърӣ кўринишда яратилиши, поэтик жиҳатдан ўхшатиш, қислаш, зидлантириш ва шартли кўчимга асосланади. Адабий топишмоқ халқ топишмоқлари тузилиши ва услубида яратилган бўлса-да, маълум бир шоир томонидан ижодий яратилганлиги учун адабий топишмоқ сифатида қаралади. Улар ритмик изчиллиги, бадий оҳангдорлиги, қофияларнинг мўл-кўллиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

**Калит сўзлари:** фольклор; топишмоқ; адабий топишмоқстилизация; метафора; жонлантириш; ўхшатиш; муболага; метонимия.

**Аннотация.** В статье рассматривается создание литературных образов для детей на основе последующей прямой стилизации загадки, одного из самых древних, популярных, традиционных паремических жанров фольклора, их сходства и различия с народными загадками. Литературные загадки, как и народные загадки, богаты и разнообразны по предмету изображения. К ним относятся природные явления, луна и времена года, земля и небесные тела, водоемы, горы, флора и фауна, человеческие органы, фрукты и овощи, предметы домашнего обихода и инструменты, современные

технологии, учебные пособия, виды пищи. Литературные загадки, как и народные загадки, вошли в нашу жизнь в результате развития науки, техники и культуры как в прошлом, так и в настоящем. Литературные загадки в основном основаны на творчестве, создаются в поэтической форме, при этом используются поэтическая аналогия, сравнение, контраст и условная миграция. Хотя литературная загадка создается по структуре и стилю народной загадки, она считается литературной загадкой, потому что она создается конкретным поэтом. Загадки отличаются своей ритмичной последовательностью, художественной мелодией, изобилием и разнообразием рифм.

**Ключевые слова:** фольклор; загадка; литературная загадка; стилизация; метафора; анимация; аналогия; риторика; метонимия.

**Abstract.** The article discusses the creation of literary images for children based on the subsequent direct stylization of the riddle, one of the most ancient, popular, traditional paremic genres of folklore, their similarities and differences with folk riddles. Literary puzzles, like folk puzzles, are very rich and diverse in subject. These include natural phenomena, the moon and the seasons, the earth and celestial bodies, bodies of water, mountains, flora and fauna, human organs, fruits and vegetables, melons, household items and instruments, instruments, musical instruments, modern technology, teaching aids, types of food. Literary puzzles, like folk puzzles, entered our lives as a result of the development of science, technology and culture, both in the past and in the present. Literary puzzles are mainly based on creativity in poetic form, poetic analogy, comparison, contrast, and conditional migration. Although a literary riddle is created in the structure and style of a folk riddle, it is considered a literary riddle because it is creatively created by a particular poet. They are distinguished by their rhythmic sequence, artistic melody, abundance and variety of rhymes.

**Keywords:** folklore; riddle; literary riddle; stylization; metaphor; animation; analogy; rhetoric; metonymy.

**Кириш.** Топишмоқ халқ оғзаки ижодининг энг қадимий жанрларидан бири бўлиб, ўзида борлиқдаги турли-туман нарса ва ҳодисаларнинг номини уларнинг белги-хусусиятлари, кўринишлари асосида бадийлик йўли билан яширин ифодалаб келади. Унинг пайдо бўлиши, қадимий функцияси ва дастлабки шакли ҳақида олимлар турли-туман қарашларни илгари сурганлар. Машҳур инглиз олими Э.Б. Тайлорнинг фикрича, топишмоқ маданият тарихида мақол билан бирга пайдо бўлган бўлиб, унинг гуллаган даври цивилизациянинг куйи ва ўрта босқичларига тўғри келади. Унингча, топишмоқ анъанавий савол-жавоб шаклидаги одатда қуруқ ҳазилга олиб борувчи ҳозирги сўз ўйини эмас, балки у жиддий жавоб беришни талаб қилган қадимий формада тузилган топшириқдир (7).

Топишмоқлар ёзма бадий адабиётга ҳам самарали таъсир кўрсатган бўлиб, мумтоз шеъриятда луғз, чистон, муаммо, таърих, мувашшаҳ сингари жанрларнинг юзага келишига асос бўлган. Ўтган асрнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб эса болалар шеъриятида адабий топишмоқлар яратиш тажрибаси шаклланиб, аста-секин ривожланиб борди. Бу жиҳатдан Ғ. Ғулум, Қ. Муҳаммадий, Ш. Саъдулла, С. Ғафуров, П. Мўмин, К. Турдиева, Н. Эрмат, М. Сайфиддинова каби шоирлар

болалар адабиёти хазинасини ўз шеърӣ топишмоқлари билан бойитишди (1, 5, 6).

Топишмоқлар шартли яширин нутқ асосида юзага келган бўлиб, унинг замини кишиларнинг қадимий эътиқод ва тасаввурлар олами билиб бориш ва идрок этиш даражаси билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, З. Ҳусайнованинг ёзишича: “Ўтмишда табиат ва табиат ҳодисаларининг ўзи бир жумбоқ бўлганки, одамлар унинг сирини билмаганлар ва еча олмаганлар, уларга у сирлар бир мўъжизадай бўлиб кўринган... Шахс ўзини қуршаб турган ташқи объектив олами таний бошлаган бир пайтда ундаги нарса ва ҳодисаларнинг қайси йўл билан яратилишини англаш, билиш истагида нарса ва ҳодисаларни бир-бирига солиштириш, қиёслаш ва баъзан қарама-қарши қўйиш билан ўргана бошлаган. Улар қуёш, ой, юлдузлар ҳаракатининг, чакмоқ чақиши, кўк гулдураши, булут келиши, шамол эсиши, қор-ёмғир ёғиши кабиларнинг моҳиятини тўла англаб етмаганлар ва анимистик тушунчаларга асосланиб, уларнинг ҳаммасида жон бор, деб тасаввур қилганлар. Бундай тушунчаларнинг баъзи кўринишлари топишмоқларда ҳам учрайди. “Бир отаси, бир онаси, неча юз минг боласи” топишмоғида қуёш, ой, юлдузлар инсонга қиёс қилиниб, жонлантириб берилиши ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ. Чунки инсон ҳали табиат ва унинг сирларини тўғри тушуниб ета олмаган, тотемистик тушунчалар ҳукмрон бўлган пайтларда қуёш ва ойни оталик ва оналик бошланғичи — ота ва она деб тасаввур этган” (2). Демак, топишмоқлар бир вақтлар муайян магик функцияларни адо этган замонларидан бошлаб, ақл-заковат, зийраклик мусобақаси, кўнгил очиш, ўйин-кулги воситасига айланган даврларигача бўлган мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Шунинг учун ҳам улар ҳаётни тасвирлаш моҳияти, тузилиши, бадий хусусиятлари жиҳатидан турли-туман бўлиб, кўп замонлар изини ўзларида сақлаганлар, халқнинг эстетик диди, ҳиссий туйғулари оша борган, табиат ва жамиятни билиш қудрати кучая борган сари улардаги мифологик тасаввурлар ва қадимий тушунчалар сусая бориб, поэтик босим биринчи планга чиқа бошлаган. Натижада, топишмоқ турли-туман маросимлар билан боғлиқлиги ва бошқа маиший функцияларини йўқотиб, соф бадий-эстетик вазифа ўтайдиган жанрга айланиб қолган.

Фольклоршунос З. Ҳусайнованинг ёзишича, топишмоқ ижросида қатъий анъаналар, ўзига хос тартиб-қоидалар, муайян тақиқлар бўлган (3). Топишмоқ ижроси учун камида икки киши — топишмоқ айтувчи ва унинг жавобини топувчи талаб этилади. Шу анъана инobatга олиниб, айрим адабий топишмоқлар диалог кўринишида яратилган:

*Бугдойзорда юради,  
Ўроқ эмас, ўради,  
Болгаси йўғу янчар,  
Дон йигар анча-анча.  
Ўзи мисоли кема.  
Хўш ўртоқлар у нима?  
– Рухсат беринг, айтайин,*

*Бунинг оти (комбайн) (1).*

Топишмоқлар борки, улар айтилиши билан дарҳол жавоби топилади. Аммо топишмоқларнинг шундайлари ҳам борки, жавобини топиш анча қийин, ҳатто катта турмуш тажрибаси бор кишиларни ҳам ўйлантириб қўяди. Шунинг учун топишмоқ жавобни топишни енгиллаштирувчи қўшимча маълумотлар берилади.

Адабий топишмоқлар, асосан, шеърӣ кўринишда яратилиши, поэтик жиҳатдан ўхшатиш ва қиёслашга, зидлантиришга, шартли кўчимга асосланиши, тузилишига кўра ихчам, ички ва ташқи қофияли, ҳаётӣ қамрови кенг шеър сифатида намоён бўлиши билан болалар шеърӣти орасида алоҳида ўрин тутади. Улар халқ топишмоқлари тузилиши ва услубида яратилган эса-да, маълум бир шоир томонидан ижодий яратилганлиги учун адабий топишмоқ сифатида қаралади. Улар ритмик изчиллиги, бадий оҳангдорлиги, қофияларнинг мўл-кўллиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Метафора, метонимия, муболаға, ўхшатиш, сифатлаш каби бадий тасвир воситалари ва кўчимлар улардаги бадийликни таъминлайди. Аллитерация ва такрорларнинг ранг-баранглиги адабий топишмоқларнинг эмоционал таъсирчанлигини янада оширади.

Аксарият адабий топишмоқлар таълимий-тарбиявий мақсадларда яратилган. Улар воситасида, аввало, болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, кузатувчанлигини ва топқирлигини, зийраклигини кучайтириш, мантикий фикр юритиш қобилиятини ўстириш кўзда тутилган. Чунки мантикий фикр юритиш болаларнинг нутқи ўсишига олиб келади. Масалан, қуйидаги топишмоқда география фанининг муҳим ўқув қуролларидан бири бўлган глобус қуйидагича жумбоқлантирилган:

*Копток эмас думалоқ,  
Унда бор шаҳар, қишлоқ.  
Дарё, денгиз, тоғ-довон,  
Қир-у адир ва ўрмон,  
У нима, айт-чи, Юнус?  
Унинг номи ... (Глобус) (5).*

Топишмоқда Юнус исмига оҳангдош, яъни қофиядош сўз топилса, топишмоқ жавоби ҳам келиб чиқиши сезилиб турибди. “Глобус” сўзи эса Юнус сўзига қофия бўла олади. Қолаверса, “глобус” сўзи чиндан-да ушбу топишмоқнинг жавоби эканлигига ишонч ҳосил қилишда глобуснинг думалоқлиги, кўринишидан коптокка ўхшашлиги айтилаётгани, ундан шаҳар-у қишлоқ, дарё ва денгизлар, тоғ-у довлар, қир-у адирлар ўрин эгаллагани таъкидланаётгани катта туртки беради.

Адабий топишмоқ яратишда ҳар бир шоир ўзига хос маҳорати билан ажралиб туради. Масалан, Кавсар Турдиева яратган баъзи топишмоқларда айрим машҳур ўзбек халқ эртаклари номи ёки уларга алоқадор бирор-бир образ яширингани кузатилади. Масалан:

*Сингил дангаса,  
Опаси эса  
Чаққон мулойим  
Меҳнаткаш доим.  
Олишар тортиқ —  
Иккита сандиқ.  
Эртак серҳикмат...  
("Зумрад ва Қиммат") (5).*

Шоира ушбу топишмоғида ўзбек халқининг машхур эртакларидан бири бўлган "Зумрад ва Қиммат" эртаги номи ва қаҳрамонлари исмини яширин тутиб, уни топиш учун асосий сюжет воқеаларига ишора қилган. Бу эртак сюжетида хабардор ўқувчи ушбу топишмоқ жавобини шу ишоралар орқали дарҳол топа олади. Кейинги топишмоқда ҳам эртакнинг асосий образларидан бирининг номи сир тугилган:

*Лайлакдан инъом:  
Очилдастурхон  
Ва қайнар хумча  
Қийналмай унча  
Ўзрига сабоқ  
Берар ....(Ур тўқмоқ) (5).*

Яширинган ном "ур тўқмоқ" экани аёнлашмоқда. У шу номдаги эртакнинг асосий образларидан бири сифатида воқеаларнинг яхшилик билан тугашига йўл очади.

*Тарвузнинг тўла  
Ичидир тилла.  
Удир бегумон  
Сахийга эҳсон.  
Бахилга бори —  
Бир тарвуз ари.  
Номи икки сўз  
Бу: ... (Олтин тарвуз) (5).*

"Олтин тарвуз" эртаги сюжетида маълумки, бир камбағал деҳқонга яраланган лайлак ўзини даволаб тузатгани учун учиб кетишидан олдин миннатдорчилик рамзи сифатида сеҳрли тарвуз уруғини беради. Бу тарвуз пишиб етилгач, ичидан тўла тилла чиқади. Бундан хабар топган деҳқоннинг хасис бой қўшниси, атайлаб ўша лайлакни яна отиб ярадор қилади ва уни парваришлайди. Лайлак тузалиб, учиб кетмоқчи бўлганида ундан тарвуз уруғини сўраб олади. Аммо у экан тарвуз ичидан арилар чиқиб, бойни талайди. Бой улардан қочиб, ўзини сувга ташлайди ва ғарқ бўлиб ўлади. Ана шу сабаб бу эртак "Олтин тарвуз" деб номланади. Олтин сўзининг тарвуз сўзига сифатлаш сифатида танланишидан икки сўзли сифатловчи бирикма пайдо бўлган. Агар бу эртак биргина "тарвуз" ёки "олтин" сўзи орқали номланса, унинг сюжет моҳияти тўлиқ англашилмайди. Шуни инобатга олиб, шоира унинг "номи икки сўз"лигига алоҳида эътиборни тортмоқда.

Қуйидаги топишмоқ мазмунан "Ёрилтош" эртагининг сюжетини ёдга келтиради:

*Она — малика,  
Хафадир нега?*

*Мунглидир бунча,  
Сингил — кийикча.  
Иккиси сагир,  
Тақдири оғир.  
Дардларга сирдош,  
Тошдир ... “Ёрилтош” (5).*

Маълумки, бу эртақда опа-сингил етим қизчалар ўғай она зулмига учрайди. Опасини ота ва ўғай онаси тил бириктириб, ўғай акасига хотинликка бермоқчи бўлишганларида, опа қочиб тош ичига яширинади. Сўнгра у синглисининг нолаларига чидолмай, тош ичидан чиқади. Улар биргаликда боши оққан томонга кетишади. Йўлда синглиси тақиқланган кўлдан сув ичиб, кийикка айланади. Уларни овга чиққан бир подшо кўриб қолиб, саройига олиб боради ва катта қизга уйланади. Бироқ опани кундоши кўролмаслик қилиб, чақалоқлари билан дарёга чўктиради, кийик кўринишидаги сингилни эса сўйдириб емоқчи бўлади. Шунда синглиси дарё бўйига бориб опасини чиқишга чорлайди. Буни кўрган подшо ҳақиқатни сезиб, китмир аёлини ўлдиртириб, хотини-ю болаларини дарё тубидан олиб чиқади. Сингил яна ўз инсон қиёфасига киради.

Пўлат Мўмин ўз топишмоқларини худди халқ эртақлари каби бошлама мисралар билан болалар эътиборига ҳавола қилиши кузатилади:

*Қулоқ солиб тур, ўртоқ,  
Айтай сенга топишмоқ.  
Эшитгач, бироз тўхта!  
Ўйлаб олгин-да пухта,  
Кейин қўлингни кўтар,  
Бўлмаса галинг ўтар.  
Топганига яраша,  
Ҳар кимга дейман, яша! (1).*

Адабий топишмоқларда анъанавий халқ топишмоқларининг шаклини, жумбоқлаш усулларини, асосан, сақлаб қолишга ҳаракат кучли. Масалан, Набижон Эрматнинг капалак ҳақида топишмоқ яратар экан, халқнинг у ҳақда билдирган “қони йўқ” деган маълумоти ва ифодасини сақлаб қолган. Чунки бу капалакнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

*Ўзи гул, гулни қучар,  
Гулзорда яйраб учар.  
Танасида йўқ қони,  
Аммо унинг жони бор (Капалак) (6).*

Жийда ҳақидаги қуйидаги топишмоқда ҳам халқона тасвир ва ифода деярли ўзгаришсиз сақланган:

*Қизил қопим лиммо-лим,  
Ичи тўла ун.  
Дастаси бўй-бўйлайди,  
Ун ичидан бир устун (Жийда) (6).*

Топувчининг исмига жавобнинг қофия қилиниши шаклида яратилган ёзма топишмоқлар кўпчиликни ташкил қилади:

*Кирмас ётиқ эшикдан,  
Гув-гув кирар тешикдан.  
Нима бу, дўстим Жамол?  
Беқарор эсан... (Шамол) (6).*

Шундай адабий топишмоқлар ҳам борки, уларни топиш асло қийинчилик туғдирмайди. Хусусан, тасвирий ифодалар қўлланган топишмоқлар ҳақида шундай дейиш мумкин. Масалан:

*Дейдилар оби ҳаёт,  
Чанқаганда у нажот.  
Оппоққина, гўё сулув,  
Ҳаёт манбаудир... (сув).*

Ҳаётда сувга нисбатан “оби ҳаёт”, “ҳаёт манбаи” тасвирий ифодалари қўлланишини билган бола учун бу топишмоқнинг жавобини топиш қийинлик қилмайди. М.Сайфиддинова қаламига мансуб бу каби топишмоқлар бир неча мисралардан ташкил топган эса-да, уларнинг энг сўнгги мисрасида жавоб, ечим ниҳоятда равшан бўлиб қолган.

Адабий топишмоқларнинг мавзуси худди халқ топишмоқлари сингари ҳам ўтмиш буюмлари, ҳам ҳозирги пайтда фан-техника ва маданиятнинг ривожланиши натижасида ҳаётимизга кириб келган нарсалар (компьютер, уяли телефон каби) ҳақидадир.

Маълумки, мустақилликкача трамвай, патефон, самовар, пластинка ҳақидаги топишмоқлар халқ топишмоқлари орасида “янги топишмоқ” сифатида кўрсатиларди. Бироқ ҳозирги болаларнинг барчаси уларни кўрган ва биледи, дейиш қийин. Шу томонлама уларни энди шартли равишда мазмунан эскирган топишмоқлар, дейиш мумкин. Масалан:

*Ўзи қорача лаган,  
Одам йўқдир севмаган.  
Игна тегса юзига  
Чиқар қўшиқ, мусиқа.  
Сайраган каби булбул,  
Тоза яйрайди кўнгил.  
Бу таниш менга, сенга  
Номи-чи... (Пластинка) (4).*

Техника ривожланиб, ҳатто киноларни томоша қилиш, муסיқаларни тинглаш учун катта-ю кичик мобил уяли телефонлардан кенг фойдаланаётган ҳозирги бир шароитда пластинка ва уни кўйиб эшитадиган радио-ю патефонлар умуман истеъмолдан чиқиб кетди. Шунинг учун бу мазмундаги топишмоқларни болалар тушуниши ва жавобини топиши осон кечмайди.

*Печка эмас бордир чўғи,  
Қуш эмас-ку, бор тумшуги.  
Ўнгда, чапда қулоғи бор.  
Тўртта кичик оёғи бор.  
Кенг қорнида сув қайнайди,  
Ичган одам хўп яйрайди.  
Бундай буюм ҳар уйда бор,  
Мен айтайми? — Бу... (Самовар) (4).*

Самовар ҳозирги пайтда ҳар уйда бор буюм эмас. У бу топишмоқ яратилган ўтган асрнинг 50-йилларида, ҳақиқатан ҳам, ҳар уйда бор бўлган. Шу маънода бу топишмоқни ҳам эскирган мавзуда, деб қараш тўғрироқ бўлади.

Адабий топишмоқларнинг яқунловчи мисрасида кўпинча “Топар буни, қани ким?”, “Қани, дўстлар, ким билар?”, “Қани, дўстлар, бу нима?”, “Қани жавоб берар ким?”, Хўш ўртоқлар у нима?”, “Жавобини ким топар?”, “Биласизми, бу — ...”, “Дейдилар номи ...”, “Бу нима?”, “Эслаган дер: — Бу ...”, “Бу...”, “Бу-чи ...”, “Будир албат ...”, “Ўйланг бу қайси...”, “Демак, бунинг оти ...”, “Бунинг оти ...”, “Унинг оти...”, “Айтгандай бу ...”, “Номи ...”, “Номи-чи ...”, “Топиш осон, ...”, “Осон экан, бу ...”, “Мен айтайми? — Бу ...”, “Билсам бунинг номи...”, “Энг таниш сўз, у — ...” каби турфа стилистик фигуралар кўп қўлланади.

Топишмоқлар ритмик изчиллиги, бадиий оҳангдорлиги, қофияларнинг мўл-кўллиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Метафора, метонимия, муболаға, ўхшатиш, сифатлаш каби бадиий тасвир воситалари ва кўчимлар улардаги бадиийликни таъминлайди. Аллитерация ва такрорларнинг ранг-баранглиги ва турфа-турфа товланиши топишмоқларнинг жарангдорлиги ва эмоционал таъсирчанлигини янада оширган. Буларнинг барчаси бирлашиб, уларнинг киши хотирасида узоқ сақланишини таъминлай олган. Топишмоқлар адабиёт ва санъат тараққиётига баракали таъсир этди. Улар адабиётимиз тарихида чистон, муаммо, мувашшах, таърих каби лирик жанрларнинг пайдо бўлиши ва ривожига катта аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда топишмоқлар жуда катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Улар болалар ва ёшларимизнинг фикр доирасини кенгайтириш, топқирлигини ошириш ва муҳокама қобилиятини ўстиришнинг муҳим эстетик воситасидир. Хуллас, топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари каби, аввало, ўзида миллатнинг урф-одат ва анъаналарини, руҳий-ахлоқий ва эстетик қарашларини ифодалаб келади. Зеро, топишмоқ болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга, уларни муайян бир фикрни бадиий тусда ифодалашга ва зийракликка, топқирликка, кузатувчанликка ўргатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Пўлат М. Офтоб чикди оламга. Шеър, кўшиқ, эртак ва топишмоқлар. — Т.: Ўздавнашр, 1956. — 172 б.
2. Хусаинова З. Топишмоқлар // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, биринчи том. — Т.: Фан, 1988, — 176 б.
3. Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. — Т.: Фан, 1966. — 152 б.
4. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди. — Тошкент: Мусикачи, 2010. — 382 б.
5. Турдиева К. Топган топалок. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун — Т.: Бекинмачоқ – Плюс, 2001. — 18 б.
6. Эрмат Н. 99 Тез айтиш ва топишмоқлар. — Тошкент: Мухаррир нашриёти, 2019. — 64 б.
7. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. — М.: Политиздат, 1989. — 511 с.



**References**

1. Pulat M., *Oftob chiqdi olamga. She"r, qushiq, ertak va topishmoqlar* (Sun came out into the universe. Poetry, song, fairy tales and puzzles), Tashkent: Uzdavnashr, 1956, 172 p.
2. Husainova Z. *Topishmoqlar, Uzbek fol'klori ocherklari* (Topical, Northern folklore of ocircle), III vol., I vol. Tashkent: The science, 1988, 176 p.
3. Husainova Z., *Uzbek topishmoqlari* (Uzbek puzzles), Tashkent: The science, 1966, 152 p.
4. Safarov O., *Uzbek khalq ogzaki badiii izhodi* (Oral art of Uzbek people), Tashkent: Musician, 2010, 382 p.
5. Turdieva K., *Topgan topaloq* (Composed round), Tashkent: Begin-Plus, 2001, 18 p.
6. Ermat N., *99 Tez aitish va topishmoqlar* (99 acute interference and topishmore), Tashkent: Editor of the publishing house, 2019, 64 p.
7. Tailor E.B., *Pervobytnaya kul'tura* (Primeval culture), Moscow: Politizdat, 1989, 511 p.